





## Ислom Нури

бўладими?», дедим. «Ҳа, жаҳаннам дарвозаларига чорловчилар (бўлади), ким уларнинг чақириғини қабул қилса, унга улоқтирадилар», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, бизга уларнинг белгиларини айтиб беринг», дедим. «Улар бизнинг қавмларимиздан, бизнинг тилларимизда гапиришади», дедилар. «Ўша нарса менга етса, нима қилишга буюрасиз?», дедим. «Мусулмонлар жамоатини ва имомини (раҳбарини) маҳкам тутинг», дедилар. «Агар уларнинг жамоати ҳам, имоми ҳам бўлмаса-чи?», дедим. «Дарахтнинг томирини тишлаб бўлса-да, у фирқаларнинг ҳаммасидан четланинг, то ўлгунча мана шу ҳолатда қолинг», дедилар (Муттафақун алайх).

Ўшунинг учун бу ҳолатда уларнинг қавмларимиздан, бизнинг тилларимизда гапиришади, дедилар. Ўша нарса менга етса, нима қилишга буюрасиз? дедим. Мусулмонлар жамоатини ва имомини (раҳбарини) маҳкам тутинг, дедилар. Агар уларнинг жамоати ҳам, имоми ҳам бўлмаса-чи? дедим. Дарахтнинг томирини тишлаб бўлса-да, у фирқаларнинг ҳаммасидан четланинг, то ўлгунча мана шу ҳолатда қолинг, дедилар (Муттафақун алайх).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга бир чизиқ чизиб: «Бу Аллоҳнинг йўли», дедилар. Кейин унинг ўнг ва чап томонига бир неча чизиқлар чизиб: «Булар турли-туман йўллар, улардан ҳар бирининг бошида унга чорлаб турадиган бир шайтон бор», дедилар, сўнг: **«Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр»** (Анъом: 153) оятини ўқидилар (Имом Аҳмад ривояти).



## Ислом Нури

### Шарх:

Аллоҳнинг тўғри йўли битта, унда эгрилик йўқ. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни баён қилиб берганлар. Шайтоннинг йўллари кўп ва хилма-хил бўлгани учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни ҳам баён қилганлар ва улардан огоҳлантирганлар. У йўллар ҳаққа зид ва залолат йўллари ҳамда жаҳаннам дарвозалари эканини айтганлар. Улардан қутулиш йўлини кўрсатиб берганлар, бу эса Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатига эргашиш, мусулмонлар жамоатини лозим тутиш билан бўлади.

### Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Аллоҳнинг тўғри йўли битта;
2. Залолат йўллари жуда кўп;
3. Залолат йўллари жаҳаннам дарвозаларидир, ким уларга юрса дўзахга бориб тушади;
4. Бу йўллардан қутулиш фақат Аллоҳнинг тўғри йўлига эргашиш в мусулмонлар жамоатини лозим тутиш билан бўлади.